SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

# O'ZBEKISTON OVOZI

• 2016-yil, 16-fevral. Seshanba • 20 (32.079) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

## *«Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади»*




**МУНОСАБАТ**

***Президентимиз Ислом Каримов раислигида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши ҳақидаги кўрсатувни телевидение орқали кўрдим, газетадан ўқидим.***

## БОЛАЛАР СПОРТИ — СОҒЛОМ КЕЛАЖАК ДЕМАКДИР

Тўғрисини айтсам, унда билдирилган фикр-мулоҳазалар мени тўлқинлантириб юборди. Ўтган қисқа давр, яъни, 14 йил ичида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ўз олдига қўйган мақсад-муддаоларига тўла маънода эришди, дейишга бугун етарли асосимиз бор.

Йиғилишда таъкидланганидек, биргина 2015 йилда 1 минг 668 нафар спортчимиз 165 халқаро мусобақада иштирок этиб, 983 медални қўлга киритган.

Бу айтишга осон. Агарда Юртбошимиз томонидан болалар спортига ўз вақтида эътибор қаратилмаганда эди, бу иш учун миллиардлаб маблағ сарфланмаганда эди, бугун бу ғалабалар, юксак натижалар тушимизга ҳам кирмасди.

Хусусан, қишлоқ жойларда болаларни спортга жалб этиш, улар учун жаҳон талабларига жавоб берадиган муҳташам спорт саройлари қуриш борасида Ўзбекистонда йўлга қўйилган тизимга, тўпланган тажрибага бугун дунё ҳавас қилмоқда. Керак бўлса, биздан ўрганмоқда.

Йиғилишда қайд этилган бир маълумот эътиборимни ўзига тортди. 2015 йилда қиз болаларнинг спорт билан шуғулланиши бизнинг Самарқанд вилоятида 47,4 фоизни ташкил этган. Бу эса бошқа ҳудудларга қараганда юқори кўрсаткичдир.

Келинг, шу ўринда ўзимнинг кўз ўнгимда юз берган бир ҳолатни таҳлил қилиб кўрайлик. Бир пайтлар, яъни мустабид тузум даврида мен ўқиган Каттақўрғон туманидаги 17-умумтаълим мактабида икки нафар, ўша пайтлардаги техникумни тугатган жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлар эди. Бугун эса беш нафар олий маълумотли жисмоний тарбия ўқитувчиси фаолият кўрсатмоқда. Таққослаб кўрганда ер билан осмонча фарқи бор, албатта. Ёш, интилувчан, изланувчан ўқитувчиларимиз томонидан бадиий гимнастика, кураш, волейбол, футбол тўгараклари ташкил этилган.

Ўтган йили Шодиёр Нарзуллаев, Комилжон Фозилов, Бекзод Турдимуродов, Аҳрор Бердиев, Фарҳод Чиндалиев каби ўқитувчи-мураббийларимиз сафига Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтини бадиий гимнастика йўналиши бўйича битирган Ирода Эргашева келиб қўшилди. Шундан сўнг мактабимизда бадиий гимнастика тўгараги ташкил қилинди. Бугунги кунда унда 100 нафарга яқин қиз шуғулланмоқда.

Мактабимиз полвонлари эришаётган ютуқлар ҳам кишини қувонтиради. Эркин кураш бўйича ўтказилган вилоят чемпионатида Жавлон Мухторов иккинчи, Асадбек Хайруллаев учинчи ўринни эгаллади. «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг туман босқичида муваффақиятли иштирок этган Фарид Аҳмедов ва Саид Лутфуллаев ўз вазн тоифасида биринчи ўринни эгаллаб, вилоятга йўлланма олишди.

Шу ўринда яна бир гап. Ота-оналар мактабга келиб, болаларини спорт билан шуғулланаётганини ўз кўзлари билан кўрмоқда. Улар билан ўқитувчилар ўртасида доимий алоқа ўрнатилган. Бу эса ҳаётимиз ўзгараётганини, онгимиз, дунёқарашимиз тобора юксалаётганини, болаларимиз соғлиғига, келажагига бефарқ эмаслигимизни кўрсатади.

Президентимиз томонидан йиғилишда билдирилган фикр-мулоҳазаларни атрофлича муҳокама қилдик. Режаларимиз ҳақида Каттақўрғон туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими раҳбари Алишер Жуманазаров билан маслаҳатлашдик.

Бизнинг фикримизча, ҳар бир мактаб ўзининг анъанавий — спорт мусобақаларига эга бўлиши керак. Катта спортга йўл айнан мактаблардан бошланади.

Энг муҳими, мактабда орттирилган кўникма туфайли фарзандларимиз спорт билан бир умр ошно бўлиб қолади. Бу эса, соғлом турмуш тарзи, соғлом авлод демакдир.

**Ҳақиқат ҲАМРОЕВА,**
**Каттақўрғон туманидаги 17-умумтаълим мактаби директори, ЎзХДП аъзоси.**



## МАҲОРАТ САБОҚЛАРИ

**Пойтахтимизда Олимпия ўйинлари дастуридан жой олган бадминтонни янада оммалаштириш мақсадида ўқув-семинар ўтказилди.**

Тошкент шаҳар олий спорт маҳорати мактаби томонидан ташкил этилган тадбирда пойтахтимиздаги спорт мактабларида фаолият олиб бораётган бадминтон бўйича мураббийларга халқаро андозаларга мос янгича услублар ўргатилди. Шунингдек, Ўзбекистон бадминтон терма жамоаси аъзолари ёш спортчиларга маҳорат сабоқларини ўтди.

**Ж.ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

**ДАВЛАТ ДАСТУРИГА МУНОСАБАТ**

## Соғлом оналар ва болалар мамлакати

**Президентимиз тасдиқлаган «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ижроси таъминланиши учун ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб, астойдил меҳнат қилишимиз зарур**

Шу йилнинг 9 февраль куни Президентимиз томонидан «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури тасдиқланди. Ушбу дастурда «Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади» деган ҳаётбахш ғояни жамиятимизда мустаҳкам қарор топтириш, оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, оналарга алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, баркамол авлодни тарбиялаш, оила институтини мустаҳкамлашда давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар қамраб олинган.

Соғлом она ва бола йилида давлатимиз ва жамиятимиз олдида турган бундай кенг кўламли вазифалар, илгари сурилган ғоялар халқимиз, кенг жамоатчилик томонидан қизғин кутиб олинди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаоллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари аъзолари, ҳудудий партия ташкилотлари Давлат дастурида белгиланган вазифалар мазмун-моҳиятини чуқур ўрганишмоқда, дастурнинг давлатимиз тараққиёти, халқимиз келажагидаги аҳамияти ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришмоқда.

► *Давоми 2-бетда.*



**«СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ»**

Давлат дастурини амалга ошириш учун **7 триллион 483,3 миллиард сўм ва 194,4 миллион доллар йўналтирилади.**

### Самарқанд

## Коллеж битирувчисининг

**иш жойи аниқ бўлиши керак**

*Самарқанд вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини сифатли тайёрлаш ҳамда уларнинг меҳнатидан самарали фойдаланиш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашнинг йиғилиши бўлиб ўтди. Бу ҳақда вилоят ҳокимлигининг расмий сайтида хабар берилган.*

Вилоят ҳокими, ушбу кенгаш раиси Зойир Мирзаев олиб борган йиғилишда касб-ҳунар коллежлари 3-курс ўқувчиларининг корхона-ташкилотларда ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш, уларни иш билан таъминлаш масаласи кўриб чиқилди.

Таъкидландики, жорий ўқув йилида 55 028 нафар коллеж ўқувчиси 1 апрелдан 1 июнгача корхоналарда ишлаб чиқариш амалиётини ўташи керак. Ўқувчилар 22 йўналишга ажратилган ва тегишлилиги бўйича 30 бошқарма, корхона-ташкилотлар ҳамда улар тизимидаги 588 ташкилотга бириктирилган.

Битирувчиларни иш билан таъминлаш, тадбиркорликка жалб этиш борасидаги муҳим тадбирлардан бири, шубҳасиз, уларга имтиёзли кредит маблағлари ажратилиши билан боғлиқдир. Вилоятдаги касб-ҳунар коллежларида ўтказилган дастлабки сўровларга кўра, 7637 нафар битирувчи тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган, тижорат банклари томонидан уларга 40 миллиард сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратиш режалаштирилган.

Йиғилишда битирувчиларни иш билан таъминлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

### Сирдарё

## Сувни тежаш имконияти кенгайди

*Сардоба туманидаги «ЮР-15-А» каналининг 2,5 километрини бетонлаштириш, реконструкциялаш ишлари якунланди. Натижада фермер хўжаликларининг 1000 гектардан ортиқ экин майдонларини суғориш имконияти янада кенгайди.*

Сирдарё вилоят ҳокимлигининг расмий сайтида хабар берилишича, бу ишларни бажаришга 1 миллиард 302 миллион сўм маблағ сарфланди. Таъмирлаш ва бетонлаштириш жараёнида сув тақсимлаш, қабул қилиб олиш ва узатиш иншоотлари ҳам тўлиқ янгиланди.

### Жиззах

## Цемент экспорти

**ортади**

*Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида Жиззах цемент заводининг қувватини 1 миллион тоннагача портланд цемент ишлаб чиқариш даражасида кенгайтириш кўзда тутилаётганлигини маълум қилган эди.*

Олмалиқ кон-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамияти таркибидаги Жиззах цемент заводи ҳудуддаги етакчи ишлаб чиқариш корхоналаридан бири саналади. 2014 йилнинг март ойида ишга туширилган мазкур корхона йилига 350 минг тонна оқ, 760 минг тонна портланд цемент тайёрлаш қувватига эга.

Эътиборлиси, 116 миллион АҚШ доллари ҳисобига бунёд этилган корхона чиқитсиз ишлайди. Фильтрларда 100 фоиз тутиб қолинадиган цемент чанги ҳам маҳсулотга айлантирилади.

Жиззах вилоят ҳокимлиги расмий сайти берган маълумотга кўра, 700 нафардан ортиқ ишчи-ходим фаолият кўрсатаётган корхонада ўтган йили 510 минг 385 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилган. Чет давлатларига беш ярим минг тонна оқ, ўн минг тонна портланд цемент экспорт қилинган.

**ЎзХДП: ФАКТ ВА РАҚАМЛАР**

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МИНТАҚАВИЙ КЕНГАШЛАРИ ҚОШИДАГИ ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИГА 2016 ЙИЛНИНГ ЯНВАРЬ ОЙИДА 793 МУРОЖААТ БЎЛДИ. УЛАРНИНГ 72 ФОИЗИ ИЖОБИЙ ҲАЛ ЭТИЛДИ, ҚОЛГАНЛАРИГА ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТЛАР БЕРИЛДИ.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП АМАЛИЙ ҲАРАКАТ ДАСТУРИНИНГ 2016 ЙИЛ БИРИНЧИ ЧОРАККА МЎЛЖАЛЛАНГАН ВАЗИФАЛАРИДАН 15 ГА ЯҚИНИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДАГИ ПАРТИЯ ГУРУҲЛАРИ ЙИҒИЛИШЛАРИДА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ.

ҚАМАШИ ТУМАНИДАГИ ЎзХДП ГУРУҲИ ТОМОНИДАН ТУМАНДАГИ ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТЛАРИ МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗАСИ ҲАМДА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАНЛИК ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДАГИ МАСАЛА ДОИМИЙ КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИГА КИРИТИШ УЧУН ТАЙЁРЛАНМОҚДА.

## ДАВЛАТ ДАСТУРИГА МУНОСАБАТ

■ Ногирон болаларга реабилитация хизмати кўрсатиш сифатини яхшилаш, болалар ногиронлиги кўрсаткичларини камайтириш мақсадида уч вилоятдаги (Самарқанд, Гулистон, Урганч шаҳарлари) болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари ва Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш режалаштирилмоқда.

# СОҒЛОМ ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР МАМЛАКАТИ

***Президентимиз тасдиқлаган «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ижроси таъминланиши учун ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб, астойдил меҳнат қилишимиз зарур***



*Саттор РАҲМАТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:*

— «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар билан яқиндан танишиб, уларнинг аҳамияти ҳақида фикр юритган ҳар бир инсоннинг қалби тўлқинланади, албатта.

Хусусан, дастурда тиббиёт муассасалари, перинатал ва скрининг марказларининг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктларининг хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Демак, бу йил аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга йўналтирилган саъй-ҳаракатлар кўлами янада ортади.

Яқинда сайловчилар билан учрашиш жараёнида 119-Чироқчи сайлов округидаги қишлоқ врачлик пунктлари фаолияти билан ҳам танишдим. Тўғриси, кўриб ҳайратландим. Кўнглим кўтарилди, аҳоли саломатлиги учун яратиб берилган шароитлардан бошим осмонга етди. Қишлоқ жойларида бундай даволаш муассасаларининг фаолият юритиши бир пайтлар одамларнинг тушига ҳам кирмаган эди.

Кимдир бетоб бўлса, шаҳар ёки туман марказига етиб боргунча аҳволи янада оғирлашар эди. Кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифати ҳам талабга жавоб бермас, шифохоналар жуда қишда совуқ бўларди, ёзда димиқиб кетарди. Ҳозир эса қишлоқ врачлик пунктида яратилган шароит вилоят, шаҳар марказида жойлашган шифохона шароитидан қолишмайди. Энг муҳими, узоқ йўл босиб, сарсон бўлмайсан. Қишлоғингдан чиқмасдан туриб, сифатли тиббий ёрдамдан фойдаланасан.

Давлат дастурида белгиланган вазифаларни ўқиб, шулар ҳақида узоқ ўйлаб қолдим. Қувонарлиси, бу борадаги ишлар жорий йилда янада юқори босқичга кўтарилади.

**Лекин шу ўринда муҳим бир масалага алоҳида эътибор билан қарашимиз керак бўлади. Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, ана шу жараёнда жамиятда ҳамжиҳатлик, ҳамфикрлик муҳитини қарор топтириш билан чамбарчас боғлиқ.**

Хотин-қизларимиз, аёлларимиз, фарзандларимиз соғлигини мустаҳкамлашдек эзгу ишда ҳеч биримиз четда турмаслигимиз шарт.

Оила, оналик ва боланики муҳофаза қилиш, хотин-қизлар манфаатларини таъминлаш, оила институтини мустаҳкамлаш бўйича қонунчиликни янада такомиллаштириш Давлат дастурида муҳим йўналишлардан бири этиб белгиланган.

Соғлом она ва бола йилида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, тиббий хизматлар сифатини яхшилаш, тарғибот-тушунтириш ишларини изчил йўлга қўйишимиз, бу борада, айниқса, ҳамкорликни кучайтиришимиз, қонунлар ижроси устидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини самарали олиб боришимиз талаб этилади.

◀ *Давоми. Бошланиши 1-бетда.*



*Мўътабар КАРИМОВА, ЎзХДП Жиззах вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари:*

— «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар билан яқиндан танишдим. Тўғриси, бир аёл сифатида жуда хурсанд бўлдим.

Давлат дастурида бўлажак оналар — қизларни жисмонан соғлом ва интеллектуал салоҳиятли этиб тарбиялаш, уларнинг академик лицей, касб-ҳунар коллежларида таълим олиши, замонавий билим ва касб-ҳунарга эга бўлишини таъминлашга қаратилган зарур чора-тадбирлар белгиланибди. Ҳақиқатдан ҳам, бу бевосита қизларимизнинг жамиятда мустаҳкам ўрин топиши, дунёга, ҳаётга қараши, муносабати тубдан ўзгаришида долзарб аҳамиятга эга масалалар ҳисобланади.

Кези келганда айтиш ўринли бўлади. Бир пайтлар, собиқ тузум даврида, бизнинг ёшлигимизда оналар саломатлиги, қиз болалар парвариши ҳақида ҳеч ким қайғурмаган. Ёшлигимиз пахта далаларида, очиғи, қизлар саломатлиги учун хавфли шароитларда ўтган. Жорий йилга мўлжалланган Дастур билан танишган одам аёллар, қизлар соғлигига алоқадор қанчадан-қанча муҳим масалалар борлигига амин бўлади.

Биз турли тадбирлар жараёнида туманларда аҳоли вакиллари, онахонлар, опа-сингилларимиз билан кўп мулоқот қиламиз ва шундан биламанки, она ва бола саломатлиги, хотин-қизларни иш билан таъминлаш, айниқса, қишлоқ жойларда жуда долзарб ҳисобланади. Тўғриси, айрим оилаларимизда ҳозиргача «қиз боланинг ўқиши, ишлашидан кимга фойда, мактабни тугатса, бўлди-да, буёғи кейин оила» деган мазмундаги гапларни эшитиб қоламиз. Бундай қараш бугунги замонга мутлақо тўғри келмайди, деб ўйлайман.

**Ҳозир давр шиддат билан ўзгариб боряпти. Қиз бола эртага она бўлади, бола тарбиялайди. Хўш, ҳаётдан бехабар, оқни қорадан ажрата олмайдиган аёл эртага боласига нимани ўргатади, қандай тарбия беради, эртага у бола кимдан ўрнак олади?** Аёл ишли бўлса, оила даромадига улуш қўшади, унда ҳаётий позиция шаклланади. Энг муҳими, жамиятга қўшилиб, унинг равнақи учун дахлдорлик туйғуси билан яшайди. Шу боис қизларни касб-ҳунар коллежларига тўлиқ қамраб олиш нафақат ота-оналар, мутасадди ташкилотлар, балки ҳаммамизнинг зиммамизда турган муҳим вазифа, деб биламан.

Ўтган йили Жиззах вилояти партия ташкилотлари қошидаги Жамоатчилик қабулхоналарига 526 нафар фуқаро мурожаат қилган бўлиб, уларнинг 260 га яқинини хотин-қизлар ташкил этади. Бундан кўриниб турибдики, жойларда аёлларни ўйлантираётган масалалар оз эмас. Мурожаатлар таҳлил этилганда, улар асосан ижтимоий ҳимоя ва соғлиқни сақлаш, иш билан таъминлаш масалаларида бўлганини кўриш мумкин.

Бу мисоллар хотин-қизлар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, бандлигини таъминлаш масаласига янада эътиборлироқ бўлишимиз кераклигини кўрсатади.

Давлат дастурида яна кўплаб жиҳатларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Айниқса, қишлоқ жойларда яшайдиган хотин-қизлар учун зарур ижтимоий, маиший ва тиббий шароитлар яратиш, қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви, табиий газ билан таъминлаш, хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш бўйича долзарб вазифалар белгиланган. Агар мулоҳаза юритадиган бўлсак, буларнинг барчаси партиямиз Сайловолди дастури ижроси, электоратимиз манфаатлари ҳимояси билан боғлиқ ҳаётий масалалар эканини аён бўлади. Шунинг учун Давлат дастурини рўёбга чиқариш жараёнларида биз, партиямиз фаоллари ва депутатларимиз алоҳида фаоллик ҳамда жонбозлик кўрсатишимиз талаб этилади.

**Лазиза ШЕРОВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

■ **ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА**



# ҚОН ДОНОРЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

### чоралари кучайтирилади

Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси **«Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида»ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини** назариётчи олимлар, соҳа мутахассислари, экспертлар гуруҳи ва нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари иштирокида муҳокамадан ўтказди.

Тадбир давомида қонун лойиҳаси ҳар томонлама кўриб чиқилди ва уни маромига етказиш, такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар олинди. Соҳада амалга оширилаётган ижобий ишлар, мавжуд муаммолар ҳамда тизимдаги ҳуқуқий муносабатларни янада такомиллаштириш ва амалда қўллаш масалалари чуқур таҳлил қилинди.

— Қонун лойиҳасига кўра, қон ва унинг таркибий қисмларини топшириш, шунингдек, қонни лаборатория текширувлари учун топшириш тартиби, даврийлиги ва ҳажмини белгилаш Соғлиқни сақлаш вазирлиги ваколатига ўтказилмоқда, — дейди **Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси, ЎзХДП фракцияси аъзоси Ёқуб Умаров.** — Бундан ташқари, эндиликда «Ўзбекистон Республикаси фахрий донори» кўкрак нишони билан тақдирланган донорларни энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида бир марталик пул мукофоти билан тақдирлаш кўзда тутилмоқда. Бу эса ихтиёрий донорлик сафининг кенгайишида, беморлар ҳаётини сақлаб қолишда муҳим аҳамият касб этади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда қонунни амалда қўллаш учун зарур бўлган бир қатор қонуности ҳужжатларининг рўйхати ишлаб чиқилган. Шунингдек, ривожланган давлатларнинг соҳага оид қонунчилиги қиёсий таҳлил қилинган.

— Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти олинаётган қон ҳажмини ҳар бир ҳолат учун аниқ белгилашни тавсия этади. Лаборатория текширувларини ўтказиш учун белгиланган қон топшириш нормаси етарли эмаслиги сабабли, донор қони хавфсизлигини таъминлаш мақсадида замонавий текширувлар бир қанча қўшимча йўналишларда (биокимё, иммунология, серология ва иммунофермент таҳлил) олиб борилади, — дейди **экспертлар гуруҳи аъзоси, Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институти директори Аълонур Саидов.** — Донорлик ҳар бир соғлом одам учун умуминсоний бурчга айланишида тарғибот ишларини кучайтиришимиз керак, деб ўйлайман. Бу жараёнда нафақат тиббиёт ходимлари, балки жамоат, нодавлат ва хайрия ташкилотлари ҳам фаол иштирок этса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Тадбирда мутахассислар, назариётчи олимлар ва соҳа вакилларининг қонун лойиҳаси бўйича таклифлари олинди.

**Ўз мухбиримиз.**

■ **ЎзХДП: ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ**

# ИЖТИМОИЙ НАФАҚАЛАР

## *манзиллилиги ва ўз вақтида берилишини таъминлаш — муҳим масала*

**ЎзХДП ташкилотлари, маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари бу борада жамоатчилик ва депутатлик назоратини кучайтиришга эътибор қаратмоқда.**

Юртимизда ижтимоий соҳага жамият эътиборини кучайтириш, манзилли ижтимоий ҳимояни кафолатлаш давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан биридир. Мамлакатимизни тараққий эттиришнинг миллий модели асосини ташкил қиладиган беш тамойилнинг бири ҳам кучли ижтимоий сиёсат юритишдан иборат. Мазкур тамойил асосида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, пенсионерлар, ногиронлар, кам таъминланган оилаларга давлат бюджетидан зарур маблағлар ажратилмоқда. Бундай ижтимоий нафақаларнинг миқдори йилдан-йилга ортиб боряпти.

Хўш, бугун ижтимоий нафақаларнинг манзиллилиги, ўз вақтида берилиши таъминланяптими? Мутасадди ташкилотлар, маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан кам даромадли оилалар, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга нафақа тайинланаётганида англашилмовчиликлар келиб чиқмаяптими?

Ўзбекистон ХДП ташкилотлари ва маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари бу борада аҳолини ўйлантираётган масалаларни ўрганишмоқда, тегишли таклифлар тайёрлаб, доимий комиссиялар, сессиялар муҳокамасига киритишмоқда. Шу асосда ҳамкор ташкилотлар билан бирга керакли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

**ЎзХДП Марказий Кенгаши сектор мудири Акмал Турсунбоевнинг қайд этишича,** ўтган йили партия Ҳаракат дастурига асосан пенсия ва нафақа пулларининг тайинланиши, давлат томонидан кўрсатилаётган моддий ёрдамларнинг манзиллилигини ўрганиш ва аҳоли ижтимоий ҳимоясини кучайтириш каби йўналишларда жами 36 масала муҳокама қилиниши белгиланган бўлиб, уларнинг 9 таси партия гуруҳларида, 16 таси доимий комиссияларда ҳамда 11 таси сессияларда муҳокама этилган. Хусусан, Беруний, Кегейли, Арнасой, Зомин, Уйчи, Косонсой, Поп, Пастдарғом, Сирдарё, Қизириқ ва Сариосиё туманларида ушбу масалалар сессияларда кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинган.

«Кексаларнинг фаровон ҳаёти учун масъулмиз», «Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази» лойиҳалари доирасида республика бўйлаб ўтказилган тадбирларда ижтимоий нафақалар таъминоти масалаларида ҳам кўплаб мурожаатлар бўлди. Жумладан,



Зафаробод тумани «Бўстон» маҳалласида ўтказилган давра суҳбатида аҳоли вакиллари ижтимоий нафақа олишда муаммолар юзага келаётгани ҳақида мурожаат қилишди. Халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳи ушбу масалани ўрганиб, Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссиясига таклиф билан чиқди. Масала долзарблиги депутатлар томонидан асослаб берилгач, доимий комиссия йиғилишида муҳокама этилди ва қўллаб-қувватланди.

Бундай ташаббуслар, давра суҳбатларини жорий йилда ҳам республикамизнинг барча ҳудудларида ўтказишимиз зарур. Чунки шу орқали аҳолини ўйлантираётган масалаларни янада чуқур ўрганиш, камчиликларимизни бартараф этиш имкони юзага келади. Боиси, депутатлар, тегишли ташкилотлар вакиллари ҳамкорлигида ташкил этиладиган тадбирларда аҳоли томонидан кўплаб таклифлар билдирилади.

**Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш сектори мудири Шаҳло Худойқулованинг маълумотига кўра,** ўтган йили «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун хотин-қизлар ўртасида кенг муҳокама қилинганда аҳоли вакилларида ижтимоий масалаларга қизиқиш катта экани яққол намоён бўлган.

Жойларда мазкур қонун ижроси, уни янада такомиллаштириш масалаларида кўплаб таклифлар ҳам олинган. Деҳқонобод туманида истиқомат қилувчи аҳоли вакиллари қонунда почта-алоқа бўлимларининг вазифаларини аниқ белгилаб қўйиш лозимлиги тўғрисида таклиф берган. Бунга чекка ҳудудларда пенсияларни тарқатиш мазкур тузилма томонидан кечиктирилаётгани асос қилиб кўрсатилган.

**ЎзХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши масъул ходими Нукусбай Ғаниев** билан боғланганимизда ўтган йили Беруний туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи ташаббуси билан пенсия, ижтимоий нафақаларга оид масала ўрганилиб, туман Кенгаши сессиясига киритилгани ҳақида маълумот берди. Шунингдек, Хўжайли туманида «Ижтимоий нафақаларни тайинлаш тартибини янада такомиллаштириш ҳамда уларни тайинлашнинг манзиллилигини ошириш борасида олиб борилаётган ишларнинг аҳволи тўғрисида»ги масала дастлаб партия гуруҳи, сўнг доимий комиссияда кўрилиб, тегишли қарор қабул қилинганини таъкидлади. Партия ташкилотлари қошидаги Жамоатчилик қабулхоналарига ҳам ушбу масалада кўплаб мурожаатлар бўлмоқда.

Хулоса қилиш мумкинки, ижтимоий нафақалар тайинланиши, пенсиялар ўз вақтида етказиб берилиши каби масалаларда жойларда ечимини кутаётган муаммолар йўқ эмас. Демак, депутатлар, партия гуруҳлари бу борада талабчанликни ошириши, мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликни изчил йўлга қўйиши, депутатлик ва жамоатчилик назоратини кучайтириши зарур.

**Гулруҳ ОДАШБОЕВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

www.uzbekistonovozi.uz
info@uzbekistonovozi.uz

ЎТГАН ЙИЛИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ЖАЛАҚУДУҚ ТУМАН КЕНГАШИДАГИ ЎзХДП ГУРУҲИ ТАШАББУСИ БИЛАН БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР СОҒЛИҒИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ МАҚСАДИДА ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТЛАРИНИНГ МОДДИЙ ТЕХНИК БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ, УЛАРНИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДАГИ ИШЛАР ТЎҒРИСИДАГИ МАСАЛА СЕССИЯГА КИРИТИЛДИ. АЙНИ КУНДА СЕССИЯ ҚАРОРИ ИЖРОСИ УСТИДАН ДЕПУТАТЛИК НАЗОРАТИ ЎРНАТИЛГАН.

## XXI АСР ИНТЕЛЛЕКТУАЛ БОЙЛИК АСРИ

■ Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ички касалликлар, кардиология ва ноинфекцион хасталиклар профилактикаси, жарроҳлик, травматология ва ҳарбий дала жарроҳлиги каби йўналишлар бўйича тақдим этилган 63 янги лойиҳа иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

# ЯНГИ ҒОЯЛАР, ТЕХНИК ИШЛАНМАЛАР, ИХТИРОЛАР

## намойиш этилди

***Бугунги кунда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, соҳага илм-фан ютуқлари, илғор технологияларни татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилаётгани ёш олимларга илмий салоҳиятини янада юксалтириш, дунёвий тараққиёт билан ҳамқадам бўлиш имконини бермоқда. Бу эса IX инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасининг Андижон давлат тиббиёт институти босқичида яна бир бор намоён бўлди.***



Кўргазмалар 5 та инновацион гуруҳ доирасида ташкил этилиб, унда мутлақо янги ғоя, техник ишланма ва ихтиролар намойиш этилди. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ички касалликлар, кардиология ва ноинфекцион хасталиклар профилактикаси, жарроҳлик, травматология ва ҳарбий дала жарроҳлиги каби йўналишлар бўйича тақдим этилган 63 янги лойиҳа иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Эътиборлиси шундаки, муаллифларнинг асосий қисмини мустақил тадқиқотчилар ва иқтидорли талабалар ташкил этади.

Тадбир иштирокчиларини **Андижон вилоят ҳокими Шуҳрат Абдураҳмонов** табриклар экан, андижонлик ёшларнинг илм-фан ривожи йўлидаги изланишлари, янги лойиҳалари ва эришаётган ютуқларини эътироф этди. Президентимизнинг Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар натижасида истеъдодли йигит-қизлар сафи тобора кенгайиб бораётганини таъкидлади.

— Бундай тадбирлар инновацион фаолиятни ривожлантириш, тажриба алмашиш ва янада кўпроқ изланишга ундайди, — дейди **госпитал ва факультет жарроҳлик кафедраси ўқитувчиси, Муҳаммадяҳё Тешабоев.** — 2015 йилда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ташкил этилган республика «Ёш олимлар» танловида «Юз ва бўйин соҳаси куйган беморларни жарроҳлик йўли билан даволаш» борасидаги илмий ишим юқори баҳоланиб, 1-даражали диплом билан тақдирландим. Ҳозир устозларим кўмагида ушбу мавзуни чуқур ўрганаяпман. Илм-фан ривожи мамлакатнинг келажагини белгилайдиган асосий омиллардан биридир. Юртимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, халқаро андозалар даражасига олиб чиқиш устувор вазифа этиб белгилангани туфайли тиббиёт муассасалари энг замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Бу эса тезкор ташхис қўйиш ҳамда даволаш самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Институтнинг изланувчан талабаларидан бири Аҳрорбек Нуриддинов қулоқ, бурун ва томоқ касалликларини даволашда фойдаланиладиган қайчи яратди. Ҳозирги пайтда ундан амалиётда кенг фойдаланилмоқда. «Tones-1» дея номланган бу тиббий асбоб болаларда кўп учровчи сурункали тонзиллитни жарроҳлик йўли билан даволаш пайтида юз берадиган салбий оқибатларнинг олдини олишда шифокорларга қўл келмоқда.

Акушерлик ва гинекология кафедраси ассистенти Саодат Шокированинг лойиҳасида ҳомиладорлик ва унинг баъзи асоратларининг прогнози ва ташхисини такомиллаштириш кўзда тутилган. Андижон шаҳридаги тиббий муассасаларда олиб борилган бу борадаги дастлабки тажрибалар ижобий натижа бермоқда.

— Соғлом она ва бола йилида тиббиёт ходимлари зиммасидаги масъулият янада ортди, — дейди **тадқиқотчи Саодат Шокирова.** — Чунки соғлом авлодни дунёга келиши учун оналар ҳомиладорлиги вақтидан бошлаб уларга катта эътибор қаратиш керак бўлади. Биз илгари сураётган тиббий-математик баҳолаш ёрдамида ҳомиладор аёллардаги касалликлар эрта аниқланади ва вақтида даволанади.

— Институтимизда иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларни тиббиётни ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларга фаол жалб этиш мақсадида «Ёш олимлар» ва «Ёш ихтирочилар» клублари ташкил этилган, — дейди **институтнинг илмий ишлар бўйича проректори Ғолибжон Ҳожиматов.** — Бундан ташқари, иқтидорли талабаларга етук олимларимиз илмий раҳбар сифатида белгиланган. Ушбу саъй-ҳаракатлар натижаси бугунги анжуманда яққол кўринди. Таъкидлаш жоизки, ишланмаларни саралашда улар тиббиёт соҳасининг талабларига қай даражада жавоб бериши, амалиётга татбиқ этишга тайёрлиги каби бир қатор омилларга эътибор берилди. Хусусан, тиббиётда қўлланиладиган момиқ пахта ва ифлосланган сувни қайта ишлашга қаратилган лойиҳалар юқори баҳоланиб, мутахассислар томонидан амалиётга татбиқ этишга лойиқ деб топилди.

Тадбир якунида танлов ҳайъати томонидан аниқланган «Энг фаол ёш илмий тадқиқотчи», «Энг фаол илмий тадқиқотчи аёл» ва «Энг оригинал лойиҳа муаллифи» каби номинациялар ғолиблари тақдирланди.

**Аҳмадилло СОЛИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**




*11 февраль куни Ўзбекистон Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов Америка Қўшма Штатларининг фавқулодда ва мухтор элчиси Памела Леора Спратленни қабул қилди. Бу ҳақда вазирлик расмий сайтида маълум қилинган.*

## АҚШ элчиси билан учрашув

Суҳбат давомида 19-21 январь кунлари Вашингтон шаҳрида бўлиб ўтган сиёсий маслаҳатлашувларнинг олтинчи раунди ҳамда бошқа учрашув ва музокаралар якунлари юзасидан фикр алмашилди.

Шунингдек, 2016 йилга мўлжалланган турли даражадаги Ўзбекистон — АҚШ учрашувлари жадвали ва кун тартиби муҳокама қилинди.

## «UZ» ҳудудидаги доменлар сони

### 26 мингдан ошди




*2016 йилнинг 11 февраль ҳолатига кўра, Ўзбекистон ҳудудида рўйхатдан ўтган доменлар сони 26 мингдан ошди.*

Эслатиб ўтамиз, 2015 йилнинг декабрь ойида Ўзбекистон ҳудудида рўйхатдан ўтган доменлар сони 25 мингни ташкил этганди.

Сўнгги 6 йил мобайнида доменлар сони 16 000 га кўпайди, деб хабар қилмоқда UZINFOCOM.

## Тошкентда

### роботлар кўргазмаси ўтказилади

*Пойтахтимиздаги Политехника музейида 24 февраль куни «Андроид куни — инсонга ўхшаш илк робот» номли техник кўргазма ўтказилади. Музейнинг Фейсбукдаги расмий саҳифасида маълум қилинишича, кўргазма инсонга ўхшаш илк роботни яратган олим Жак де Вокансоннинг таваллуд куни муносабати билан ташкил этилади.*

Роботлар кўргазмаси доирасида ўтказиладиган «Роботларнинг юлдузли жанги» томошаси тадбирнинг асосий қисми бўлиши режалаштирилган. Маросимда иштирок этувчиларнинг мурожаатлари 17 февраль кунига қадар қабул қилиниши белгиланган.

**ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!**

## ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА «ОЛТИН ҚАЛАМ» XI МИЛЛИЙ МУКОФОТИ

***Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадида «Олтин қалам» XI Миллий мукофоти учун халқаро танлов ўтказади.***

3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бу танловга 2015 йилнинг 1 апрелидан 2016 йилнинг 31 мартигача — бир йил давомида газета ва журналларда чоп этилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2016 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.

**Танлов ғолиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:**

**Журналистика соҳасида бош миллий мукофот.**

Ғолиб махсус диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

**Асосий мукофотлар:**

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение — 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио — 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (босма ОАВ — 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (интернет-журналистика — 1-, 2-, 3-ўринлар).

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

**Рағбатлантирувчи мукофотлар учун номинациялар:**

энг яхши фоторепортаж;

энг яхши матбуот хизмати.

Мазкур номинациялар ғолиблари диплом, «Олтин қалам» статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 50 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Шунингдек, қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ва республикамиздаги жамоат ташкилотлари ҳам ўз рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган.

**Танлов шартлари:**

Танловга теле-, радио, босма материаллар ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, 3 дақиқадан 30 дақиқагача бўлиши керак.

Радиоэшиттиришлар (CD, DVD дискда) 5 дақиқадан 30 дақиқагача бўлиши керак.

Матбуот ва интернет материаллари асл нусхада ёки кўчирма нусхада тақдим этилиши лозим.

**Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилиниши лозим:**

муаллиф ҳақида маълумотнома (объективка);

муаллифнинг турар жойи, уй ва иш телефонлари;

паспорт нусхаси.

Танлов ғолибларини тантанали мукофотлаш маросими 2016 йил 3 майда — Жаҳон матбуоти эркинлиги куни «Туркистон» саройида ўтказилади.

Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.

Материаллар «Олтин қалам» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

**100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй, 3-қават.**
**Телефонлар: 244-64-61; 244-37-87**
**www.journalist.uz**

**РЕКЛАМА**

**Ташкилотлар ва корхоналар раҳбарлари диққатига!**

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ**

***қуйидаги объектлар қурилиши бўйича пудратчи ташкилотларни танлаш юзасидан очиқ***
**танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:**

**Сурхондарё вилояти, Денов туманидаги туман тиббиёт бирлашмасини реконструкция қилиш.**

Объектнинг бошланғич нархи: қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 4276,083 миллион сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 3563,403 миллион сўм, қурилиш муддати — 365 кун.

**Сурхондарё вилояти, Денов туманидаги Сил касалликларига қарши диспансерни реконструкция қилиш (2-босқич).**

**Объектнинг бошланғич нархи:** қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 3848,553 миллион сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 3207,128 миллион сўм, қурилиш муддати — 365 кун.

**Сурхондарё вилояти, Сариосиё туманидаги туман Тиббиёт бирлашмасини реконструкция қилиш (3-босқич).**

**Объектнинг бошланғич нархи:** қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 4801,825 миллион сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 4001,521 миллион сўм, қурилиш муддати — 365 кун.

**Сурхондарё вилояти, Узун туманидаги туман Тиббиёт бирлашмасини реконструкция қилиш (3-босқич).**

**Объектнинг бошланғич нархи:** қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 2886,330 миллион сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 2405,275 миллион сўм, қурилиш муддати — 300 кун.

**Буюртмачи:** Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

**Манзили:** Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй. Тел/факс: (0-376) 221-49-71, 221-49-80, 221-49-85.

Объектларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига молиялаштириладиган объектларда қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун ўтказиладиган танлов савдоларида фақат «Қурилиш — пудрат ташкилотлари реестри»га киритилган қурилиш ташкилотларининг иштирок этишига рухсат этилади.

**Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга мос келишлари керак:** танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги 1475-сонли ва Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 апрелдаги 100-сонли қарорларига асосан объектларнинг танлов савдолари офертолар баҳоланиб кўрсаткичлар тенг бўлганда устунлик кичик бизнес субъектларига берилади.

Савдоларда қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Даврхитектқурилиш» қўмитасининг Сурхондарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: **Термиз шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 36-а уй. Телефон/факс: (0-376) 223-44-73, 223-44-78.**

**Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи объект қийматига қараб — 120 000 сўмдан 150 000 сўмгача.**

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши, эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: **Термиз шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 36-а уй**да ўтказилади.




## «ХАВФСИЗ ДАВЛАТЛАР»

### рўйхати кенгайди

Австрия ҳукумати «хавфсиз давлатлар» рўйхатини кенгайтиришга қарор қилди. Ички ишлар вазирлигининг АПА агентлиги томонидан эълон қилинган расмий баёнотида айтилишича «Хавфсиз давлатлар»дан келганлар қочқин эмас, балки «меҳнат муҳожирлари»дир. Бугунги кунда мазкур рўйхатга Жазоир, Марокаш, Тунис, Грузия, Гана ва Мўғулистон мамлакатлари киритилган.




Аввалроқ Австрия ҳукумати Албания, Босния ва Герцеговина, Македония, Сербия, Черногория ва Хорватияни «хавфсиз давлатлар» деб топган эди.

## «ТИТАНИК-2»НИНГ

### қачон сафарга чиқиши маълум бўлди

Янги «Титаник-2» ҳақиқий «Титаник»нинг илк ва сўнгги сафаридан 106 йил ўтиб, яъни 2018 йилда тайёр бўлади.

«Моя планета» сайти хабарига кўра, кема замонавий хавфсизлик талабларига жавоб беради.



Кеманинг узунлиги 270 метрни, кенглиги 53 метр, оғирлиги эса 40 минг тоннани ташкил этади. Баландлиги 9 қават, 840 хонадан иборат бўлиб, 2400 йўловчини ўз бағрига олади. Кемада 900 экипаж бўлиши режалаштирилмоқда.

Янги кеманинг илк сафари Хитойнинг Цзянсу шаҳридан бошланади.

Эслатиб ўтамиз, асл «Титаник» кемаси 1912 йилда илк сафари чоғида айсберг билан тўқнашиб, чўкиб кетган эди. Натижада 1500 йўловчи ва экипаж аъзолари ҳалок бўлганди.

## ЕР ҚАЪРИДА

### «кислород дарёлари» бор

Олимлар Ер мантиясида аввал номаълум бўлган катта миқдордаги суюқ кислород сақланаётган қатламни аниқлашди, деб хабар бермоқда РИА «Новости» ахборот агентлиги.



Бу тадқиқот Германиянинг DESY синхротрон марказида ўтказилган тажрибалар давомида аниқланган.

— Бизнинг ҳисоб-китобларга кўра, бу қатламда Ер атмосферасидагидан 8-10 баробар кўпроқ кислород бор. Ҳозирча мазкур «кислород дарёлари» билан сайёрамиз қаърида нималар юз беришидан бехабармиз, — дейди Байройт университети ходими Елена Бикова.

Кислород қатлами ер қаърида чуқур жойлашган темир оксидини турли ҳарорат ва босимларда кузатиш давомида аниқланди.

«Ўзстандарт» агентлиги жамоаси агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси стандартлаштириш ва метрология бошқармаси бошлиғи **Куанышбай ГАРРЫБАЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.



2016 ЙИЛДА 28 ЯНГИ УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИ ҚУРИШ, 234 МАКТАБНИ РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ ВА 105 ТАСИНИ КАПИТАЛ ТАЪМИРЛАШ, УЛАРНИ ЯНГИ ЎҚУВ МЕБЕЛИ, КОМПЬЮТЕР СИНФЛАРИ, ЎҚУВ-ЛАБОРАТОРИЯ УСКУНАЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ИШЛАРИ БОШЛАНАДИ.




*Twitter ижтимоий тармоғининг ўзбекистонлик фойдаланувчилари 14 февраль куни #BoburDay хештегини жаҳон трендига олиб чиқишни режалаштираётгани ҳақида хабар бергандик. Бу режа муваффақиятли тарзда бажарилди.*

## #BoburDay ҳештеги

### жаҳон трендига олиб чиқилди

Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 533 йиллигига бағишланган акцияда нафақат Ўзбекистондаги, балки хорижда таълим олаётган ёшларимиз ҳам фаол иштирок этди.

Hashtags.org сайти берган маълумотларга кўра, соат 14:00 гача хештегдан фойдаланган ҳолда 49 минг, кейинги бир соатда эса 72 400 твит ёзилган.

Умумий ҳисобда #BoburDay ҳештеги иштирокида Twitter'да 300 мингга яқин, Facebook ва Instagram ижтимоий тармоқларида эса 150 мингдан ортиқ фикр ёзилган.

## Microsoft корпорацияси

### Инҳа университети билан ҳамкорликни ривожлантиради

*Жаҳоннинг нуфузли Microsoft корпорацияси делегацияси Тошкент шаҳридаги Инҳа университетига ўзаро ҳамкорлик истиқболларини муҳокама этиш учун ташриф буюрди. Бу ҳақда Инҳа университети расмий сайтида хабар берилган.*

Делегация таркибидан Microsoftнинг Марказий ва Шарқий Европа минтақасида лицензия қоидаларига амал қилинишини назорат қилувчи менежерлари Диас Шуканов ва Анна Самолётова, Ўзбекистондаги бизнесини ривожлантириш бўйича менежер Равшан Каримов ва Марказий Осиё ва Монголияда ҳамкорлар билан ишлаш менежери Алиёр Баҳронов ўрин олган.

Microsoft делегацияси аъзолари Тошкент шаҳридаги Инҳа университети ректори Шерзод Шерматов билан учрашишди ва ҳамкорлик истиқболларини муҳокама қилишди.

Таъкидлаш жоиз, Microsoft корпорацияси икки йилдирки, университет талабаларига DreamSpark ваучерларини тақдим этмоқда. Мазкур ваучерлар ёрдамида талабалар бир қатор дастурлардан бепул фойдаланишаяпти.

## Халқаро жаз фестивали

### апрель ойида ўтказилади

Апрель ойида Тошкентда иккинчи марта Халқаро жаз фестивали бўлиб ўтади. Газета.uz сайтининг ёзишича, мазкур тадбир ЮНЕСКО ваколатхонаси ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ташкил қилинади.

Ушбу фестиваль 30 апрель куни ЮНЕСКО томонидан бешинчи бор нишонланадиган Халқаро жаз куни муносабати билан ўтказилади. Унда Париж давлат консерваторияси жаз ва импровизация кафедраси профессори Эрве Селлан, АҚШнинг «The Exchange» вокал гуруҳи, Латвиянинг катта жаз оркестри иштирок этиши кутилмоқда.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистонда биринчи жаз фестивали 2015 йил 8 апрелдан 8 майгача ўтказилган эди.

**ДОЛЗАРБ МАВЗУ**

**Тошкент шаҳрида 8000 га яқин автотранспорт воситаси йўловчиларга хизмат кўрсатаётган бўлса, улардан фақат 2318 таси қонуний фаолият олиб бормоқда.**

# Лицензиясиз транспорт хизмати кўрсатиш тақиқланади

***Тошкент шаҳар ҳокимлигида йўловчи ташиш билан ноқонуний равишда шуғулланаётган фуқаролар фаолиятига чек қўйиш ҳамда йўл-транспорт ҳодисаларини олдини олиш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масаласига бағишланган брифинг ташкил этилди. Унда таъкидланганидек бугунги кунда пойтахтимизда йўловчиларнинг узоғини яқин қилиш ва уларни манзилига ўз вақтида хавфсиз етиб боришини таъминлаш мақсадида бир қатор ижобий ишлар қилинмоқда.***

2016 йилнинг 13 февраль ҳолатига кўра, Тошкент шаҳрида жами 304 корхона аҳолига транспорт хизмати кўрсатмоқда. 103 корхонага 262 йўловчи ташиш йўналишлари бириктирилган. Шунингдек, 16 корхонада 1169 жадвал асосида 139 автобус, 86 корхонада 993 жадвал асосида 117 йўналишли такси ва 1 корхонада 49 жадвал асосида 6 трамвай ҳамда 213 йўналишсиз такси корхоналарида 2792 автомобиль йўловчиларни ўз манзилига етказмоқда.

Лекин шунга қарамай йўловчи ташиш фаолияти билан ноқонуний шуғулланаётган фуқароларимиз ҳам бор. Тошкент шаҳар ҳокими томонидан 2016 йил 13 январда тасдиқланган чора-тадбирлар режасига асосан бир қатор тегишли ташкилотлар ходимлари томонидан йўловчи ташиш йўналишларида лицензиясиз фаолият кўрсатаётган ташувчилар бўйича рейдлар ўтказиб келинмоқда.

2016 йилнинг 10 февраль ҳолатига кўра, ўтказилган 310 рейд давомида 9200 автотранспорт воситалари кўздан кечирилганда, жами 1850 қоидабузарлик ва камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланган.

— Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари томонидан қоидабузарлик бўйича жами 18651 баённома тузилди, — дейди **Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик билан ишлаш бўлими бошлиғи ўринбосари Алишер Абдуқодиров.** — Йўловчи ташиш йўналишларида тегишли ҳужжатларсиз, хусусан, техник носоз транспорт воситасидан фойдаланиш, йўналиш чизмаси, йўл варақаси, ҳайдовчилик гувоҳномаси, автомобилнинг техник паспорти, мажбурий суғурта полиси йўқ бўла туриб фаолият юритаётган автотранспорт эгалари томонидан 814 қоидабузарлик ҳолатлари аниқланиб, автотранспорт воситалари қонун доирасида вақтинчалик жарима майдонларига қўйилган. Шунингдек, 12466 ҳолатда бошқа қоидабузарликлар бўйича баённомалар тузилган.

Брифингда таъкидланганидек, бу ҳаракатлардан кўзланган мақсад Тошкент шаҳри аҳолиси хавфсизлигини таъминлаган ҳолда йўналишларда йўловчиларни ташиш фаолиятини амалга ошираётган тадбиркорлар фаолиятига янада кўпроқ эркинлик беришдан иборат.



Санжар ШАТЎЛАГАНОВ олган сурат.

Тошкент шаҳрида 2016 йил 15 февралдан бошлаб 47 ишчи гуруҳдан иборат бўлган гуруҳлар тузилди ва уларнинг барчаси зиммасига қўшма рейдлар ўтказиш юклатилди.

Мазкур тизимга Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, Давлат солиқ инспекцияси, Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги ҳамда «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмасидан ходимлар бириктирилади. Уларнинг зиммасига биринчи навбатда ноқонуний йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланаётган фуқароларни аниқлаш ва уларга нисбатан қонунда белгиланган чораларни кўриш, йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланаётган ташкилотлар томонидан транспорт воситаларининг йўналишга чиқарилиши, уларнинг йўловчиларни эҳтиёжларини қондириши бўйича амалга оширилаётган ишларни назорат қилиш юклатилган.

Ҳозирги кунда Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш фаолияти билан ноқонуний шуғулланиб келаётган турли хилдаги транспорт воситалари кўпайиб кетган. Улар қонуний равишда йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланаётган транспорт воситаларига, хусусан, автобус ва микроавтобусларга салбий таъсирини кўрсатяпти. Махсус рейд орқали ноқонуний йўловчи ташиш билан шуғулланганлиги учун улар транспорт воситаларини жарима майдонларига вақтинчалик қўйиш билан жазоланади, шунингдек, ушбу фаолиятни қонуний амалга ошириш бўйича амалий ёрдам қилинади.

Айни пайтда экспертларнинг таҳлилига кўра, Тошкент шаҳрида 8000 га яқин автотранспорт воситаси йўловчи ташиш билан шуғулланаётган бўлса, улардан 2318 тасигина қонуний фаолият олиб бормоқда.

Шу ўринда бир савол туғилади: фуқаролар ўз шахсий автомашинаси орқали йўловчи ташиш билан қонуний шуғулланмоқчи бўлса, қаерга мурожаат қилиш керак? Тошкент шаҳрида махсус автокорхоналар ва махсус автосервислар бор. Автотранспорт эгалари ана шу автокорхоналар раҳбарларига учрашса, керакли маълумотларни олиши мумкин. Автотранспорт воситаси қонунда белгиланган тартибда вақтинчалик ижарага берилса, корхона балансига ўтади. Корхона ушбу автотранспорт воситасини фил суяги рангига бўяб, унинг том қисмига такси белгисини қўйиш, шунингдек, автотранспорт воситасини лицензия варақаси билан таъминлаб беришни ўз зиммасига олади.

Йўловчи ташиш билан қонуний шуғулланаётган ҳайдовчиларга ойлик маош тайинланади ва пенсия ёшига етганда, нафақа билан таъминланади. Шунингдек, ҳайдовчи турли сабабларга кўра, бетоб бўлиб қолса, даволаниш учун таътил олиши мумкин. Бу чора-тадбирлар ташувчига ҳам, йўловчиларга ҳам қулайлик яратиб беради ва биринчи навбатда хавфсизликни таминлайди.

**Шаҳбоз САИДОВ**

**СПОРТ**

## Футзалчиларимиз — чорак финалда!

***Пойтахтимизда футзал бўйича давом этаётган XIV Осиё чемпионати гуруҳ баҳслари поёнига етди.***

Мусобақанинг «А» гуруҳида тўп сурган Ўзбекистон терма жамоаси барча учрашувни муваффақиятли якунлаб, «плей-офф» босқичига йўлланмани қўлга киритди.

Дастлаб Саудия Арабистони (5:2), Қирғизистон (2:1) вакилларидан устун келган ҳамюртларимиз охирги ўйинда ливанликлар билан куч синашди. Унда футзалчиларимиз рақиб дарвозасига жавобсиз иккита тўп йўллашди — 2:0. Голларни Жавлон Аноров ҳамда Фарҳод Абдумавлонов киритди.

«А» гуруҳида «плей-офф» босқичига бериладиган иккинчи йўлланма қирғизистонликларга насиб этди. Улар сўнгги турда Саудия Арабистони вакилларини 3:2 ҳисобида енгишди.

«В» гуруҳида эса чиройли ўйинлар кўрсатган Эрон ва Ироқ терма жамоалари мусобақани давом эттириш ҳуқуқини қўлга киритди.

Кеча «D» ва «С» гуруҳларида ўтказилган учинчи тур баҳсларидан сўнг барча чорак финалчилар номи аниқланди: Япония — Австралия — 3:1, Малайзия — Қатар — 2:6, Таиланд — Вьетнам — 3:1, Хитой-Тайпейи — Тожикистон — 3:3.

Эслатиб ўтамиз, 17 февраль куни чорак финал учрашувлари бошланади. Унда Ўзбекистон — Ироқ терма жамоалари ўзаро куч синашади. Учрашув соат 16.00 да пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида бошланади.

**Самандар БОБОРАЖАБОВ,
ЎзДЖТУ талабаси.**

**РЕКЛАМА ЎРНИДА**

# ФАРОВОНЛИКНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

MIKROKREDITBANK



***Бугун иш билан банд аҳолининг 77 фоиздан ортиғи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида меҳнат қилмоқда. Улар учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Сўнгги беш йилда тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 4,4 баробар, микрокредитлар ҳажми 5 баробар ошди.***

***Бу борада «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг фаолияти ҳам эътиборга лойиқ.***

**Шерали ҚОРАБЕКОВ,
«Боёвут Барака нон» МЧЖ
раҳбари, Боёвут тумани:**

— Ҳар қандай тадбиркорлик, аввало, пухта бизнес-режа, сўнгра молиявий маблағ орқали шакллантирилади. Шу маънода айтганда, тадбиркорнинг иши молия муассасаси билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳар икки томон ўртасидаги ишончли ҳамкорлик эса муваффақиятлар гаровидир.

Бугун молия муассасасининг мижоз учун қулай шартларда таклиф этаётган хизматлар тури кенгаяётгани, аҳоли орасига чуқур кириб бораётгани шундай дейишга асос бўлади.

Бунга бизнинг фаолиятимиз ҳам яққол мисол бўла олади. Ўтган йили нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш мақсадида корхона ташкил этдик. Бунда «Микрокредитбанк»нинг Боёвут тумани филиали томонидан ажратилган 21 миллион сўм имтиёзли кредит қўл келди. Маблағ эвазига нон пиширишга мўлжалланган замонавий асбоб-ускуналар, хамир тайёрлаш учун миксерлар ва бошқа техник воситаларни харид қилдик. Янги технологиялар нон маҳсулотларини юқори даражада ва кўп миқдорда пишириш имконини берди. Бундан ташқари, янги корхонада бир қанча ёшлар ишли бўлди. Келгусида фаолиятимизни янада кенгайтириб, банк билан ҳамкорликни давом эттириш ниятидамиз.

**Нигина РАҲМОНОВА,
«NIGIN-TEXTILE» МЧЖ раҳбари,
Бухоро шаҳри:**

— Мен «Микрокредитбанк»нинг ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш, аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, оилавий бизнесни ривожлантириш, касаначиликни тараққий эттириш, хотин-қизлар, ёшларни иш билан таъминлашга хизмат қиладиган истиқболли лойиҳаларни қўллаб-қувватлаётганини эътироф этмоқчиман.

Мана, ўзимиздан қиёс, ўтган йил март ойида «Микрокредитбанк»нинг юз миллион сўмлик молиявий мадади билан тикув цехимизни замонавий дастгоҳлар билан жиҳозладик. Натижада ишчиларимиз сони ўн нафарга кўпайди. Бундан ташқари, ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажми икки баробарга ошди.

Мен бундан буён ҳам корхонамиз фаолиятини янада ривожлантиришда яқин ҳамкорим — «Микрокредитбанк»ка суянаман.



Хизматлар лицензияланган.




**ОБ-ҲАВО 16-17.02 — 2016**

**Юртимиз бўйлаб (°C)**

| Ҳудуд | Тун | Кундуз |
| --- | --- | --- |
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти | -3 / -8 | +5 / +10 |
| Бухоро ва Навоий вилоятлари | -2 / -7 | +7 / +12 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари | -3 / +2 | +5 / +10 |
| Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари | -3 / +2 | +8 / +13 |
| Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари | -2 / -7 | +5 / +13 |
| Тошкент шаҳри | 0 / -2 | +6 / +8 |

**Дунё бўйлаб (°C)**

| | |
| --- | --- |
| Лондон | +8/ +2 |
| Париж | +7/ -2 |
| Москва | +3/ -5 |
| Мадрид | +8/ -2 |
| Пекин | +9/ -6 |
| Канберра | +28/ +10 |
| Рим | +17/ +11 |
| Афина | +22/ +13 |
| Токио | +9/ +1 |
| Стокгольм | +1/ -3 |
| Кейптаун | +28/ +19 |
| Қоҳира | +31/ +14 |
| Гавана | +26/ +19 |
| Вашингтон | +12/ +1 |

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV, Hotamjon KETMONOV, Ulug'bek VAFOYEV, Rustam KAMILOV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV, Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari), Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 259
17686 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi – 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21.00
Topshirilgan vaqti — 01.20
Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Erkin XOLBOBOYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV, Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 5 6